

---

"Лойиҳалар ярмаркаси"да иштирок этинг!

Ўзбекистон туманида фаолият юритаётган тадбиркорлар, шунингдек, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларни **эртага, 22 январь куни Яйпан шахридаги маданият марказида бўлиб ўтадиган "Лойиҳалар ярмаркаси"га** таклиф этамиз!

Ярмаркада янги лойиҳаларингиз билан иштирок этиб, уларни амалга ошириш учун банк кредитлари олиш масаласида янги имкониятларни қўлга киритишингиз мумкин.

"Лойиҳалар ярмаркаси"да тижорат банклари ҳамда фаолияти тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ташкилот ва муассасалар иштирок этади.

"Лойиҳалар ярмаркаси" **22 январь куни соат 14:00 да** бошланади.

2025-01-21 16:51:05